# ПСИХОЛОГИЯДА ЭМОЦИОНАЛ ИНТЕЛЛЕКТНИНГ ЎРГАНИЛИШ ХОЛАТИ

**Хўжамова Ш, ТерДПИ педагогика ва психология мутахассислиги 1-босқич магистри**

shohidaxojamova@gmail.com

**Аннотация:** Ушбу мақолада ҳис-туйғуларни англаш яъни, ўзи ёки ўзгаларнинг эмоционал ҳис-туйғулари тилини тушуниш, ҳис-туйғуларни тез идрок қила билиш, ҳиссий ранг-барангликни фарқлаш, ажрата олиш, керакли ўринларда ундан тўғри фодалана билиш, ҳиссий қўзғалишларни келтириб чиқарадиган сабаб ва оқибатларни пайқай олиш кўникмаси, кучли ҳиссий кечинмаларни секинлаштира олиш, ўз туйғуларининг мунтазамлилигини назорат қила олиш хақада бахс мунозара боради.

**Калит сўзлар:**Эмоционал интеллект, ижтимоий интеллект, EQ-emotional quotinent, эмпатияга мойиллик, ижтимоий масъулият кўникмалари, экстремал вазиятларда муаммоларни ҳал эта олиш, мосланувчанлик, ҳақиқатни тушуниш, стрессбардошлилик ҳамда стресс ҳолатини кўтара олиш.

Психолог олимлардан А. Маслоу, 1950 йилда фанга «ўзини ўзи фаоллаштириш» тушунчасини киритгандан кейин, ғарб психологиясида «инсонпарварлик» янада ортди. Ва шахсни тадқиқ қилишда жиддий интеграллик, яъни инсон табиатига хос когнитив ва аффектив жиҳатлар уйғунлиги кенг эътиборга олинди. Демак, ўзини ўзи фаоллаштриш хусусияти бу, эмоционал интеллектга хос бўлган таркибий элементлардан биридир. Вақт ўтиб, тадқиқотчи Равен Бар-Он 1985 йилда илк бор EQ-emotional quotinent, эмоционаллик коэффициенти ва шунга мос тарзда IQ-интеллект коэффициенти тушунчасини фанга киритди. Муаллифнинг бундай ишлари, эмоционал интеллектни тадқиқ этишнинг амалий масалалари учун катта имконият яратди.

Моҳиятан, умумий интеллект ўз мазмунида инсондаги қобилиятлар йиғиндиси, билиш жараёнларидаги ўзига хос хусусиятлар, маданиятлараро фарқ, ижтимоий – демографик омиллар, яшаш муҳитидаги шарт-шароитлар кабилар билан ҳам характерланади. Бироқ, ўтган асрнинг 90 йилларида психологик тадқиқотларда «эмоционал интеллект» тушунчаси илк бор қўллана бошланди. Интеллект тушунчасини асословчи илк изланишлар тадқиқотчилар Г. Айзенк, Дж. Гилфорд ҳамда Г. Гарднерлар томонидан амалга оширилган «ижтимоий интеллект» борасидаги тадқиқотларда ўз аксини топган.

Қуйида биз соҳада «эмоционал интеллект» феноменининг асосланиши билан боғлиқлиги бўйича айрим хронологик кетма-кетликларни келтирамиз.

«Эмоционал интеллект» тушунчасининг илк бор фанда қўлланилиш санаси 1990 йилга асосланилсада, кейинчалик Д. Гоулман ҳам ушбу

масала борасида кўплаб илмий-оммабоп ишларни амалга оширди. Аммо П. Соловей ва Д. Мейерлар томонидан амалга оширилган ишлар, ҳозирги замон психологлари томонидан кўпроқ эътироф этилади. Мазкур олимларнинг якуний хулосаларига биноан, эмоционал интеллект – бу туйғуларда намоён бўлувчи, инсоннинг қабул қилиш даражаси ҳамда тушуниш қобилиятини белгиловчи ва ҳис-туйғуларини адекват бошқаришни англатиб, ўз таркибида қуйидагилар ажратилади:

– туйғуларни ҳис қилиш ёки қабул қилиш қобилияти яъни ўзини ва ўзгаларнинг эмоцияларни ҳис қилиш ёки тан олиш қобилияти;

– умумий интеллектга ёрдам берувчи ўз эмоцияларини йўналтира олиш қобилияти;

– хар-хил эмоционал ҳолатлар ва ифодаларни тўғри тушуниш қобилияти;

– аниқ бўлмаган ҳис-туйғуларни бир-биридан ажрата олиш қобилияти.

Мазкур тасниф этилган ҳар бир таърифлар, эмоционал интеллектнинг моҳиятини тушунтирувчи хусусиятлар ҳисобланади. Эмоционал интеллектни тушунишнинг ўзига хос таърифи, Д. Карузо ишларида ҳам акс этган бўлиб, унинг айтишича «эмоционал интеллект» ҳиссиётлардан ақлнинг устунлиги эмас, у ҳар икки жараённинг муносиб кесишган нуқтасидир. Шу боис, эмоционал интеллект ҳиссиёт ва ақлнинг ўзаро бирлашмаси маҳсули ҳисобланади. Д. Гоулманнинг фикрича, эмоционал интеллект – бу ўзи ва ўзгаларнинг ҳаракат мотивларини англаш орқали, ўзини ва ўзгаларнинг ҳиссий кечинмалари тўлиқ тушуниш қобилиятидир. Айтиш жоизки, эмоционал интеллект – бу ўзини ва ўзгаларнинг эмоцияларини англаш ҳамда назорат қилиш қобилиятларидан бири бўлиб, бизнинг ўзаро муносабатларимиз шу аснода амалга ошади. Тадқиқотчи Р.К. Кооперга кўра, эмоционал интеллект – бу ўз ҳиссий ҳолатини бошқара олиш қобилияти бўлиб, у қатор рефлексив сифатлар орқали намоён бўлади. Рефлексия эса, ўз мазмунида, ўзини ва ўзгаларни англаш, баҳо бериш, қарор қабул қилиш, хулоса чиқариш кабилар билан тавсифланади. Г. Маттевс эмоционал интеллектни атроф муҳит билан самарали алоқа қилиш ва ўзининг ошкор бўлмаган мотивлари ҳамда эмоцияларини тушунишидир деб таърифлаб ўтган.

Эмоционал интеллекни нокогнитив жараёнлар билан тушунтириш ҳолати, Р. Бар-Оннинг изланишларида акс этган бўлиб, унга кўра, инсонга хос эмоционал маданиятнинг беш таркибий қисми ажратилади. Уларга:

– ўзини ўзи таҳлил этиш, ассертивлилик, мустақиллилик, ўзини ўзи ҳурмат, ўзини ўзи намоён қилиш;

– эмпатияга мойиллик, ижтимоий масъулият кўникмалари;

– экстремал вазиятларда муаммоларни ҳал эта олиш, мосланувчанлик, ҳақиқатни тушуниш;

– стрессбардошлилик ҳамда стресс ҳолатини кўтара олиш;

– ҳаётий оптимизм феномени. Дарҳақиқат, ушбу сифатлар ҳиссий билимдонликнинг асосий шартларидан биридир.

Эмоционал интеллект масаласида изланишлар олиб борган рус олими Д.В. Люсиннинг билдирган фикрича, эмоционал интеллектга хос бўлган иккита «ички шахслилик» ҳамда «шахслараро» жиҳат мавжуд. Олимнинг назарида, эмоционал интеллект қуйидагилар орқали тушунтирилиши мақсадга мувофиқ:

– ҳис-туйғуларни англаш яъни, ўзи ёки ўзгаларнинг эмоционал ҳис-туйғулари тилини тушуниш;

– ҳис-туйғуларни тез идрок қила билиш, ҳиссий ранг-барангликни фарқлаш, ажрата олиш, керакли ўринларда ундан тўғри фодалана билиш;

– ҳиссий қўзғалишларни келтириб чиқарадиган сабаб ва оқибатларни пайқай олиш кўникмаси;

– кучли ҳиссий кечинмаларни секинлаштира олиш, ўз туйғуларининг мунтазамлилигини назорат қила олиш;

– юз ифодалари, мимика ва пантомимикаларни осон тушуниш;

– касбий фаолиятида ва ўзаро муносабатларда ўз ҳиссий оламини аниқ намоён эта олиш малакаси. Муаллиф тасниф этган ижобий сифатлар, меҳнат самарадорлигини белгиловчи омиллар бўлмаслиги мумкин. Бироқ, фаолиятдаги муваффаққиятларни таъминловчи тизимлар ҳисобланади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1.Norbosheva, M. (2022). О ТЕХНИКЕ НАЧАЛА РАЗГОВОРА С КЛИЕНТОМ В ПСИХОЛОГИЧЕСКОМ КОНСУЛЬТИРОВАНИИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(6). извлечено от https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/7456

2.Abdullayeva, S., & Eshmuradov, O. (2023). ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ САМООПРЕДЕЛЕНИЕ И ВЫБОР ПРОФЕССИИ УЧАЩИМИСЯ В ПСИХОЛОГИЧЕСКОМ ЗНАНИИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 3(2). извлечено от https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8395

3.Eshmurodov, O. (2022). ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ.

4. Norbosheva, M. (2022). МУЛОҚОТ ЖАРАЁНИДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛА ШАХСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(6). извлечено от https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/7459

5.Eshmurodov, O. (2022). ЎЗБЕК ОИЛАСИ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ . Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(6). извлечено от https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/7449

6.Ashurova, S. (2023). SOG‘LOM PSIXOLOGIK TURMUSh TARZI TO‘G‘RISIDAGI TASAVVURLARINING ShAKLLANISHI. Журнал

Педагогики и психологии в современном образовании, 3(1). извлечено от https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8314
7.Elamanovich, E. O. (2022). SOCIO-PSYCHOLOGICAL FACTORS AFFECTING THE UPBRINGING OF CHILDREN IN FAMILY RELATIONSHIPS. Science and Innovation, 1(4), 201-205.
8. Eshmurodov, O., & Fazliddinova, U. (2023). OILADAGI IJTIMOIY PSIXOLOGIK MUHITNING BARQARORLIGI TA'MINLAShDA QAYNONA VA KELIN MUNOSABATLARINING O'RNI . Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 3(1). извлечено от https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8259
9.Eshmurodov, O. (2023). OILAVIY MUNOSABATLAR BARQARORLASHSHUVIDA MILLIY QADRIYATLARNING AHAMIYATI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 3(1). извлечено от https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8238
10.Eshmurodov, O. (2022). ЎЗБЕК ОИЛАСИ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ . Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(6). извлечено от https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/7449
11.Eshmurodov, O. (2022). ҚАЙНОНА ВА КЕЛИН ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ БОЛАЛАР ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ . Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(6). извлечено от https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/7431
12. Jabborov, X., & Eshmuradov, O. (2023). ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ИШЛАРИДА МИЛЛИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАСИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 3(2). извлечено от https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8394
13. Eshmurodov, O. (2022). ЎЗБЕК ОИЛАСИ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ . Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(6). извлечено от https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/7449
14.Ashurova, S. (2023). SOG'LOM PSIXOLOGIK TURMUSh TARZI TO'G'RISIDAGI TASAVVURLARINING ShAKLLANISHI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 3(1). извлечено от https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8314
15. Norbosheva, M. (2023). ИГРА КАК СРЕДСТВО ОВЛАДЕНИЯ НАЦИОНАЛЬНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В ФОРМИРОВАНИИ ЛИЧНОСТИ РЕБЕНКА. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 3(2). извлечено от https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8384
16. Eshmurodov, O., & Eshboyeva, B. (2023). O'SMIRLIK DAVRIDA JINSIY STERIOTIPLARNING YOSH XUSUSIYATLARI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 3(2). извлечено от https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8388
17. Жабборов Хазрат Хусенович. Миллий тарбиянинг қадимий ва замонавий ижтимоий-психологик омиллари. Таълим ва инновацион тадқиқотлар

образование и инновационные. Халқаро илмий-методик журнал. ИССЛЕДОВАНИЯ EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH № 9, 2022 сентябр. Б. 270-283
18. Хазрат Хусенович Джабборов Социально-психологические индикаторы национального воспитание. Science and education scientific journal ISSN 2181-0842. Volume 3, Issue 3. March 2022. Page 1082-1089. https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/2883
19. Kh.Kh. Jabborov. The study of the problem of national education by eastern thinkers. International Journal of Pedagogics (ISSN – 2771-2281) VOLUME 03 ISSUE 02 Pages: 14-20 SJIF IMPACT FACTOR (2021: 5. 705) (2022: 5. 705) (2023: 6. 676) OCLC – 1121105677/ Online Link:- http://theusajournals.com/index.php/ijp/article/view/765
20. Botirova Dilafruz Bozorovna International Journal of Mechanical Engineering. ISSN: 0974-5823. Vol. 7 No. 2February, 2022 –B 1838-1843. https://www.scopus.com/sourceid/21101016918/
21. Mardonov, E. (2023). O‘QUVCHILARDA TAFAKKUR XUSUSIYATLARINI RIVOJLANISH JARAYONI . Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 3(2). извлечено от https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8472
22. Baxtiyorov, R., Botirova, D., & 3Jo‘rayeva , M. (2023). KICHIK MAKTAB YOSHIDA MULOQOTCHANLIK ORQALI AXLOQIY FAZILATLARNI RIVOJLANTIRISH. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 3(2). извлечено от https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8471
23. Karimova, M. (2023). QIZLARNING MUHABBAT BORASIDAGI TASAVVURLARINING OILA MUSTAHKAMLIGIGA TA’SIRI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 3(2). извлечено от https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8470
24. Elamanovich, O. E. (2022, October). OILAVIY MUNOSABATLARDAGI NIZOLARNING KELIB CHIQISH SABABLARI. In Archive of Conferences (pp. 1-7).
25. Elomonovich, E. O. (2022). OILA PSIXOLOGIYASINING NAZARIY ASOSLARI, OILAVIY MUNOSABATLAR PSIXOLOGIYASI. Gospodarka i Innowacje., 20, 49-51.
26.Eshmuradov, O., & Ismoilova, G. (2022). OILAVIY MUNOSABATLARDA BOLALAR TA’RBIYASIGA TA’SIRI ETUVCHI IJTIMOIY-PSIXOLOGIK OMILLAR. Science and innovation, 1(B4), 201-205.
27. Eshmuradov Olmosbek Elamanovich (2021). OILA BARQARORLIGINI SHAKLLANTIRISH OMILLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1 (4), 1318-1323.
28.M. A. Тилакова, & О. Э. Эшмурадов (2021). КРЕАТИВ КОБИЛИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ. Scientific progress, 1 (6), 143-149.

29. O. Eshmuradov, & G. Ismoilova (2022). OILAVIY MUNOSABATLARDA BOLALAR TA'RBIYASIGA TA'SIRI ETUVCHI IJTIMOIY-PSIXOLOGIK OMILLAR. Science and innovation, 1 (B4), 201-205. doi: 10.5281/zenodo.6902544
30.Kamolova, Shirin Usarovna, & Axmedova, Fotima Xurramovna (2022). SOG'LOM SHAXS HAYOTIDA PSIXOLOGIK XIZMATNING O'RNI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (2), 630-636.
31.Norbekova, B. S. (2016). YOSH VA O'TISH DAVRI XUSUSIYATLARINING PEDAGOGIK QAROVSIZ O'SMIRLAR KELIB CHIQISHIGA TA'SIRI. The edition is included into Russian Science Citation Index., 77.
32.Норбекова, Б. 2021. Духовное воспитание - как основа психологического воспитания. Общество и инновации. 2, 10/S (ноя. 2021), 105–109. DOI:https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss10/S-pp105-109.
37.Shavkatovna, N. B. (2022). AXBOROT TEXNOLOGIYALARI BILAN ISHLOVCHI SHAXSLARNING PSIXOLOGIK XOLATINING PATOLOGIYASI. International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research, 658-662.
33.Norbekova, B. (2022). O'roqboyeva M. Maktabgacha ta 'limda psixologik xizmatni tashkil etishning o'ziga xos jihatlari. Zamonaviy innovatsion tadqiqotlarning dolzarb muammolari va rivojlanish tendensiyalari: yechimlar va istiqbollar, 1(1), 481-483.
34.Norbekova, B. (2021). Socio-Psychological Characteristics of National Character. *EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR)-Peer Reviewed*, *7*(1).
35.Норбекова, Б. 2021. Духовное воспитание - как основа психологического воспитания. *Общество и инновации*. 2, 10/S (ноя. 2021), 105–109.
36.Норбекова, Б. (2021). Духовно-нравственный образ семьи. *Общество и инновации*, *2*(2/S), 123-128.
37.NORBEKOVA, B. (2021). Жамият ва инновациялар–Общество и инновации–Society and innovations.
43.Норбекова, Б. (2020). МИЛЛИЙ ХАРАКТЕР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. *Научно-просветительский журнал" Наставник"*.
38. Yo'ldoshyev, S., & Jo'lmurodov , O. (2023). PSIXOLOGIK SALOMATLIK QADRIYAT SIFATIDA. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 3(3), 3-7. извлечено от https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8481
39.Yo'ldoshyev, S., & Fayzullayeva, M. (2023). STRESSNI KELIB CHIQISH SABABLARI VA ZAMONAVIY PSIXOLOGIK YECHIMLARI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 3(3), 8-14. извлечено от https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8482
40.Umarov Baxriddin Mingboyevich, & Norbekova Barno Shavkatovna. (2022). TA'LIM TEXNOLOGIYALARI ASOSIDA DARS JARAYONINI TASHKIL

ETISHNING PSIXOLOGIK MEZONLARI. International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research, 1(1), 276–279. Retrieved from https://journal.jbnuu.uz/index.php/ijcstr/article/view/71
41.Жасур, М. (2022). ГЕНДЕР УСТАНОВКАЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙЛАШУВ ЖАРАЁНИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ. *Involta Scientific Journal*, *1*(6), 69-77.
42.Мажидов Жасур, & Ҳамдамов Ҳайдарбек. (2022). ШАХСГА СТРУКТУРАВИЙ ЁНДАШИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ. Involta Scientific Journal, 1(7), 138–148. Retrieved from https://involta.uz/index.php/iv/article/view/255
43.Majidov, J. (2022, March). BOSHLANG‘ICH SINFLARDA TA’LIMI O‘ZLASHTIRISH MUAMMOSINING 43.PEDOGOGIK-PSIXOLOGIK SABABLARI. In *International Virtual Conference on Language and Literature Proceeding* (Vol. 1, No. 1).
44.Majidov, J. B., Sobirov, A. B., Karshiboeva, D. B., & Mamarayimova, R. U. (2022). Factors Of Formation Of The Scientific Worldview Of The Person And Their Interrelation. *PORTA LINGUARUM*, *37*, 65-70.
45.Мажидов, Ж. Б. (2022). ГЕНДЕР УСТАНОВКАЛАРИ ВА ШАХСНИ ЎЗИНИ-ЎЗИ ИДРОК ЕТИШИ ЎРТАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИК МУАММОЛАРИ. *Ученый XXI века*, (5-2 (86)), 19-24.
46.Majidov, Jasur Baxtiyarovich (2022). SOTSIAL INTELLEKT VA UNING INSON HAYOTIDAGI O‘RNI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (2), 608-613.
47.Маджидов, Д. Б., & Шарофиддинов, А. (2017). Социальный интеллект как совокупность способностей, обеспечивающих адаптацию личности в обществе. In *Актуальные вопросы современной психологии* (pp. 22-24).
48.Majidov, J. (2021). ЁШЛАРНИНГ ОИЛАВИЙ ҲАЁТ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАРИ ВА ОИЛАВИЙ ҲАЁТДАН ҚОНИҚИШ УЙҒУНЛИГИ МАСАЛАЛАРИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, *1*(1).
49.Жасур, М. (2022). ГЕНДЕР УСТАНОВКАЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙЛАШУВ ЖАРАЁНИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ. *Involta Scientific Journal*, *1*(6), 69-77.
50.Мажидов Жасур, & Ҳамдамов Ҳайдарбек. (2022). ШАХСГА СТРУКТУРАВИЙ ЁНДАШИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ. Involta Scientific Journal, 1(7), 138–148. Retrieved from https://involta.uz/index.php/iv/article/view/255
51.Мажидов, Ж. Б. (2022). ГЕНДЕР УСТАНОВКАЛАРИ ВА ШАХСНИ ЎЗИНИ-ЎЗИ ИДРОК ЕТИШИ ЎРТАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИК МУАММОЛАРИ. *Ученый XXI века*, (5-2 (86)), 19-24.